

Qishloq Hayoti

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

1974 yil 1 yanvardan chiqqan boshlagan

№ 111 (7.104). Sotuvda erkin narxda

Куннинг мухим воқеалари

● Мамлакатимиз Президентининг 15 йиллиги муносабати билан Марокаш Подшохи Муҳаммад Олтинчи, Тунис Республикаси Президентини Зайн ал-Обидин бин Али, Бельгияликлар Кирило Альберт, Швейцария Конфедерацияси Президентини Моритц Лойенбергер, Люксембург Буюк Герцоги Анри, Кипр Республикаси Президентини Тассос Пападулос, Шри-Ланка Демократик Социалистик Республикаси Президентини Махинда Ражапаксе томонидан табрик мактублари келди.

● Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислоҳ Каримовга 13 сентябрь кунини Оксаройда Саудия Арабистони, Украина, Словакия Республикаси, Афғонистон ва Германия Федератив Республикасининг мамлакатимиздаги Фавкуллода ва мухтор элчилари этиб тайинланган – Мансур бин Иброҳим Муҳаммад ал-Мансур, Вячеслав Похвальский, Йозеф Мачишак, Муҳаммад Фаруқ Баракий ва Маттиас Майер ишонч ёрликларини топширди.

● Пойтахтимиздаги Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий бонига Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Республика ўзбекистон сароили, "Воекован" Республика Ёшларининг ўқув-услубий мажмуи халқорликда мактабдан ташқари таълим муассасалари фаолиятини такомиллаштиришга бағишланган маърифий кеча бўлиб ўтди.

● "Қамолот" Ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгашида Ёшларнинг ижтимоий-маънавий фаолиятини оширишда "Қамолот" Ёшлар ижтимоий ҳаракатининг ўрнига бағишланган илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

● "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси ҳамда "Қамолот" Ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент вилоят бўлими кенгаши ҳамкорликда ўтказилган "Қамолот" республика кўрик-танловининг вилоят босқичи голиблари маълум бўлди.

● "Ўзбекистон темир йўллари" давлат акциядорлик компанияси 14 сентябрдан бошлаб Тошкент-Бухоро йўналиши бўйича "Шарк" тезкор поездди катловини мунтазам йўлга қўйди.



Галла — ризку рўзимиз, халқимиз фаровонлигини таъминловчи улғунъмадир, дейди "Фарғонадон" акциядорлик жамияти назоратчиси Гулнора Аҳмедова. Айти пайтада жамиятада кунига 220 тонна галла қайта ишланмоқда.

Хонқа — Хоразмнинг олди туманларидан. Хонқаликлар ҳар йили пахта тайёрлаш режа-топшириқларини бажаришда воқеда қарвонбошлик қилишади. Утган йили ҳам 11800 гектар майдондан шартномадаги 29800 тонна ўрнига 32,5 минг тонна пахта олинган эди. Хонқалик лавзи халол пахтакорлар жорий йилда бу кўрсаткични 33 минг тоннага етказишга азму қарор қилишган.

Айти кунларда йил бўйи қилинган ҳаракату омилиқлик хирмонларда акс этадиган тағиз,

Фалла — ризку рўзимиз, халқимиз фаровонлигини таъминловчи улғунъмадир, дейди "Фарғонадон" акциядорлик жамияти назоратчиси Гулнора Аҳмедова. Айти пайтада жамиятада кунига 220 тонна галла қайта ишланмоқда.

СУРАТЛАРДА: 1) Гулнора Аҳмедова, 2) корхонанинг ташқи кўриниши.

Б.АКРАМОВ олган сурат.

Даладагиси эмас, хирмондагиси ҳисоб

масъулиятли дамлар келди. Даладагиси эмас, хирмондагиси ҳисоб, дейишмоқда хонқаликлар. Мавсумни муваффақиятли ақунлаш учун туманда қандай тадбирлар амалга оширилмоқда? Ер эгалари — фермерлар асосий диққат-эътиборларини нималарга қаратишапти? Ана шу саволларга жаваб олиш мақсадида ал-Хоразмий номи ММТП худудидаги фермерлар далада бўлди.

— Терим суръати янада ошадди. Боси, машина теримини ҳам бошладик, — дейди ММТП раҳбари Фарҳод Жуманиёзов, — Фермерларимиз 1950 гектар майдондан 4970 тонна хом ашё сотишни режалаштирган бўлишса-да, ҳосил чўянни чамалаб, бу кўрсаткични 6000 тоннага етказишга аҳд қилдик. 139 нафар фермернинг барчаси бирдек ишлади, ҳосил ҳам шунга яраша бўлди. Эндики масала — асосий бойлигимизни ёғин-сочинли кунларга қолдирмасдан тезликда саранжомлаб олиш. Шу мақсадда теримга 2753 нафар теримчи, хашарчи жалб қилинди. Дефолиация қилинган 1200 гектар майдоннинг 800 гектари машина те-

римига таппа-тахт қилиб қўйилган. "Давронбек Хурсанд" фермер хўжалиги раҳбари Қўзибой Абдураҳмоновнинг бу йилги ҳосил чўйдан мамнулиги юзи-қўздан сезилиб турибди.

— Даладаримиз Амударё соҳилларида — қишлоқ анча узок. Шундай бўлишига қарамастан, мўл ҳосил етиштиришга эришдик, — дейди у. — 12,3 гектар майдондан 30 тонна пахта сотишга шартлашганмиз. Кейинги йилларда пахтачиликка, фермер хўжалиқлари ривожига қатта эътибор берилмаётганлиги туфайли пахтадан мўл ҳосил етиштириляпти.

Теримчи ва хашарчиларга барча шароитлари яратиб беришга ҳаракат қилаямиз. Қозонимиз икки маҳал қайнаб турибди. Пахта пуллари ҳар 5 кунда бериб бориляпти.

Эндиликда тонналар кетидан қувшиннинг вақти ўтди. Биз ҳам мўл, ҳам сифатли, ҳам таннархи арзон пахта етиштиришни ният қилганмиз. Утган йили нақд 3 миллион сўм соф фойда олган бўлсак, бу йил 5 миллион сўмга етказмоқчимиз.

"Агрон-экстра" препарати билан дефолиация қилинган даламизда, кўриб турибиз, пахта чамандек очилди. Ҳосил етарли. Биринчи теримнинг ўзиде 30 центнердан чықяпти. Бир қисм ерларимизни машинада териш ҳисобига салкам 700 минг сўм маблағни тежаб қоламиз. 25 сентябрга шартномавий режамизни бажармоқчимиз. Ҳосилдорликни 40 центнерга етказиш асосий мақсадимиз.

Холмурод ҚУРБОНОВ,
"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.


Экспорт ошиши — иқтисодий юксалиши демакдир

Тошкент шаҳрида 17-18 октябрь кунлари Ўзбекистон иккинчи халқаро пахта ярмаркаси бўлиб ўтади

Ўзбек пахтасининг довури дунёга кетган. Истиқлол йилларида пахта етиштириш, уни қайта ишлаш ва экспорт қилишга бўлган ёндашув тубдан ўзгарди.

Жаҳон тажрибасидан маълумки, ҳар қандай хом ашёни, жумладан пешона тери эвазига етиштирилган пахта толасини ҳам арзонгаров сотишдан кўра, уни қайта ишлаш кўпроқ иқтисодий самара беради. Ана шу мантиқдан қелиб чиққан ҳолда давлатимиз раҳбари Ислоҳ Каримовнинг ташаббуси билан узокни кўзлаб иш тутилди — янги корхоналар қуришга киришилди. Икки юзга яқин тўқимачилик корхонаси модернизация қилинди ва янгидан барпо этилди. Бундай улкан бунёдкорлик натижасида мамлакатимизда етиштирилаётган пахтанинг қарийб 25 фоизини ўзимизда ишлов беришга эришилди. Албатта, бу кўрсаткич сўнгги натижа эмас. Яқин йиллар ичида уни 55 фоизга етказиш мақсадида енгил саноат тармоғида кенг қўламли ишлар олиб боришмоқда.

Энди пахтачилик, илгаригидек, кўрик ва чўл ерларни ҳисобига майдонларни кенгайтириш ҳисобига эмас, балки истиқболли навлар яратиш, уларни иқлим ва тупроқ унумдорлигига мос равишда жойлаштириш, зарур агротехник талаблар асосида ҳосилдорликни ошириш йўли билан ривожлантиришмоқда. Дехқонларимиз, аввало, сара уруғлик танлаш ва тайёрлашга қатта эътибор бермоқдалар. Селекционер олимларимиз томонидан яратилган серхосил навлар ҳориқлик ҳамкорларимиз томонидан юксак эътирофга сазовор бўлмоқда. Айти пайтада кўртимизда гўзанинг йигирмата селекция нави давлат реестрига киритилган. «Бухоро-6», «Бухоро-8», «Наманган-77», «С-6524», «Оқдарё-6», «Ан-Бобвут-2» сингари гўза навлари тезлишарлиги, ҳосилдорлиги, тала сифатининг юқорилиги, касалликларга чидамиллиги ва мавжуд тупроқ-иқлим шароитларига мослиги



билан ҳам ажралиб туради. «Бухоро-6» навининг Ливерпуль пахта биржаси олтин медали билан тақдирлангани ҳамда толаси эталон сифатида қабул қилингани ўзбек пахтасининг жаҳон миқёсидаги эътирофига ёрқин мисол бўла олади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Сифат» Ўзбекистон пахта толасини сертификатлаш маркази ва унинг ҳудудий лабораториялари мамлакатимиз пахта тозалаш корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган тала ва моликларга сифат сертификати бериш билан бирга, бу маҳсулотларнинг товар-хом ашё биржаларидаги қиймат кўрсаткичларини оширишга ҳам алоҳида эътибор қаратмоқда.

«Ўзпахтасаноат» уюшмасининг ҳудудий бирлашмаларидан тала сотиб олиш, сертификатлаш, сақлаш, суғурталаш ва экспорт қилишнинг самарали тизими шаклланди. Жойлардаги пахта теримналарини ушбу хом ашёни харидорга етказишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Мамлакатимизнинг ташқи савдо компанияларига жаҳон нархларидан қелиб чиққан ҳолда ўз маркетинг стратегиясини муқтадил белгилаш ва пахта толасини сотиш ҳуқуқини берилиши экспорт хажмининг ортишида ва пахтаимизни харид қиладиган хорижий компанияларнинг янада қўлайишида етакчи роль ўйнади. Эндиликда пахта толасини «учинчи қўл»дан олишга ҳожат қолмади. Пахта етказиб бериувчилар билан тўғридан-тўғри алоқа ўрнатиш имкониятининг юзга қелиши хориқлик харидорларга ҳам қўл келмоқда.

(Давоми 2-бетда)

Янги усул самараси

Бу йил Избоскан туманидаги Абдусамат Тиллабоев номи ширкат хўжалиги аъзолари гўза парварлигини янги усулда олиб бордилар. Бу усул шундан иборатки, ҳар гектар ерда 200 минг тупдан зиёд қўчат сақланди. Пленка юзасини кенглиги боис гўза кўнглидан кўпроқ баҳраманд бўлди. Ерга уруғ ташлашдан олдин мейёрдаги минерал ўғитнинг 50 фоизи НРУ мослашмасида берилди. Мавжуд 974 гектар ердаги беғона ўтларга қарши гербицид қўлланилди.

Бу янгиликнинг афзаллиги бекисёс. Боси, аввалги технологияга нисбатан биргина култивация ишлари тўрт мартага, суғориш эса икки мартага қамайди. Гўза говлаб кетишининг олдинки бўғинлар орасини қисқартириш учун экинга уч марта "Сожеван" препарати ишлатилди. Натижада ўсимлик бўйи 55-75 сантиметрдан ортади. Парварши давомида тежамкорликка алоҳида эътибор берилди. Чунки, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан солярка сарфи 80 тоннага озаиди. Гўзани зараркунандалардан ҳимоя қилишда асосан фойдали хашаротлар ишлатилди. Шу йил билан

анча-мунча харажат ёнга қолди. Табиат мусофалигига даҳл қилинмади. Натижалар эса қувончли бўлди. Пахта тайёрлаш бўйича жорий йил шартнома режаси бажарилди. Ҳар гектар ердан 33,1 центнердан ҳосил йиғиштириб олинди, эл хирмонига 3228 тонна биринчи нав пахта етказиб берилди. Хўжалик дехқонлари ҳосилдорликни гектар ҳисобига 45 центнерга, яъни хирмонини 4383 тоннага етказиш мақсадида йигим-теримни қизгин давом эттиришмоқда.

—Янги усулни бирдангина қатта майдонда қўллаганимиз муваффақиятларимиз гарови бўлди, — дейди бошқарув хайъати раиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги ходими Алишер Тиллабоев. — Ҳосил эрта етилди, теримга ҳам ҳар йилгидан барвақт киришдик. Йигим-теримда гуруҳ усули тўла жорий этилди. Бу билан пахта сифатли төрилди, бир чаноққа йўл қўйилмади. Режамиз тўлган кунда 40 гектар ерда биринчи терим пахта бор эди. Иккинчи терим билан мавсумни яқунлашни ният қилиб турибмиз. Шундан сўнг бугўдги экилиши мўлжалланган даладарни гўзапоялардан тозалашни бошлаймиз ва кейин уруғ со-

чамиз. Мана шу тадбир туфайли галла ҳосилдорлиги камида 10 центнерга ортади.

Маҳаллий "Андижон-36" пахта нави ширкат хўжалиги аъзоларига ҳам, саноатчиларга ҳам бирдек маъвўл келмоқда. Эътибор беринг, топширилган 1360 тонна пахта уруғликка қабул қилинди. Шунинг ўзидан ҳар тоннасига 64603 сўмдан қўшимча даромад келпти. Ҳозиргача ҳар гектар ердан 1 миллион 269 минг 841 сўмдан даромад олинди. Мўлжалдаги 45 центнерлик марра эггаланганда, ушбу кўрсаткич 1 миллион 679 минг 197 сўмга етади.

Хўжалик молия-ҳисоб маркази бошлиғи Баҳромжон Холматов бизга дастлабки ҳисоб-китобни чиқариб берди: пахтачиликдан ҳозиргача 1 миллиард 226 миллион 622 минг сўм даромад олинди. Якунда эса бу рақам 1 миллиард 792 миллион 504 минг сўмни ташкил этади. Пахтадан ташқари галла ва сабзавот етиштириш ва сотиш ҳисобига жами даромад 2,5 миллиард сўм бўлиши кутилмоқда.

Халол, сидиқдил меҳнат эвазига келётган даромад ишловчиларни ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан бойитяпти. Қишлоқлар ободонлашяпти. Биргина жорий йилнинг ўзиде

хўжалик аъзоларидан 110 киши санаторийларда дам олади. Ширкат аъзоларининг 105 нафар фарзандларига дам олиш оромгоҳларига бепул йўлланма берилди. 23-ўрта мактабни таъмирлашга 100 миллион сўм, хўжалик ўрамадаги 3 та қишлоқ врачлик пунктларини жиҳозлашга 20 миллион сўм, туман марказий шифонасига янги замонавий апаратуралар сотиб олишга ҳам 20 миллион сўм сарфланди.

"Ҳомийлар ва шифокорлар йили" дастури доирасида боқувчисини йўқотган ёхуд серфарзанд оилаларга 14 бош соғини сугир берилди. Жонбод қишлоғида миллий мейвочилик услубида гузар қурилиб фойдаланишга топширилди.

Буларнинг ҳаммаси пахта, галла ва бошқа экимлар ҳосилдорлигининг ортиши, таннархининг арзонлашяётганлиги, энг муҳими эса соф фойданинг қўпаяётганлигидандир. Чунки, ушбу йилда Избосқандаги бу хўжаликда барча манбалардан олиннадиган соф фойда 571 миллион сўмдан кўпроқ бўлиши кутиляпти. Ана шунда рентабеллик даражаси 29 фоизга етади.

Кобилжон АСҚАРОВ,
"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.

Марказий Осиё — ядро қуролидан холи ҳудуд

Марказий Осиёда минтақани ядро қуролидан холи ҳудудга айлантириш тўғрисидаги шартнома имзоланди. Унинг биринчи ташаббускори Ўзбекистон Президентини Ислоҳ Каримов, қўллаб-қувватловчиси Қозоғистон Президентини Нурсултон Назарбоев. Биринчи минтақада аҳолиси энг кўп давлатнинг, бири ҳудуди энг катта давлатнинг раҳбари.

Яқинда Остонада Назарбоев Ўзбекистон раҳбарини "меннинг ҳақиқий дўстим" деб таъкидлади. Бундай дўстлик нафақат ўзбек ва қозоқ халқларининг қардошлигини мустаҳкамлайди, балки бутун дунёда ўзаро ишонч ришталарини боғлайди. Жаҳонда хавфсизликни таъминлашда бошқаларга ибрат қилиб кўрсатса арзий ташаббус ва ибратли кадам жараёни жамоатчилиги эътиборига сазовор бўлди.

Ҳозир жаҳондаги акс-садони эшитсангиз, аввало, Ўзбекистон билан Қозоғистоннинг мардликка қойил қоласиз.

Биз ёши катталар яқши биламиз, оммавий қирғин қуроли бўлган ядро синовлари Семипалатинскга яқин жойдаги полигонда ўтказилар эди. Қирқ йилдан кўпроқ вақт мубайнида ядро қурулининг ер остидаги, ер устидаги ва ҳаводаги синовлари шу ерда ўтказилди. Қачонгача ажал уруғи сочилиди, дердик хар сафар синов ўтказилиши ҳақидаги хабарни ўқиганимизда. Жами 470 марта синов ўтказилганлигини яқинда хориж оммавий ахборот воситалари тарқатган бир хабардан билдик. Қозоғистон мустақилликка эришганидан кейингина бу синовлар тўхтатилди.

Бешта давлатнинг Марказий Осиёни ядро қуролидан холи ҳудудга айлантириш тўғрисидаги қарори халқаро, тарихий ва ижтимоий-сиёсий аҳамияти жиҳатидан гоят бекисёс.

(Давоми 2-бетда)

АВТОТРАНСПОРТ — КРЕДИТ ВА ЛИЗИНГГА!

РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ "ГАЗ" ОАЖИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ РАСМИЙ ЭКСКЛЮЗИВ ДИСТРИБЬЮТЕРИ

AVTODOM plus

"ГАЗ" рўсумли 50 хялдан зиёд автотранспорт - 1,5-4,5 тоннали юк машиналари, 3-7 ўрниқлиқ, 0,8 тонна юк қўтарилган фурголар, 6-15 ўрниқлиқ микроавтобуслари сотади.

Ҳақ тўлаш исталган усулда!

700015, Тошкент, Шаҳрисабз кўчаси, 16А-уй.
Тел./факс: (99871) 132-12-01, 132-10-35, 132-03-62.
Тезкор мулоқот линияси телефонлари: 126-25-42, 126-12-94.
E-mail: info@auto.uz web-site: www.auto.uz

Маҳсулотлар сертификатланган

2

Дунё саҳнасида

Қош қораймоқда. Баҳорнинг изгири аралаш шомоли тўқайорда хуштак чалар, бўтана тўқиллар...

Кун бўйи деразадан баҳор сувларини олис-олисларга ҳайдаётган дарёга тикилиб ётган Худойберган бобонинг хира тортган кўзлари энди ҳеч нарсага кўрالمас...

...Нихоят, ташқарида қадим товуши эшитилди, эшик гичирлади. -Бобо, мен келдим! - останада шодон овоз берди киз...

Иссиқ чой чолнинг бадини яйратди, у ҳузур қилиб, кўзларини юмганча ҳаёлга берилди. Оқмарал эса ҳар кунги одатига, китобга ҳар кун...

Уч йил бурун Гулжамол буви юраги хуруж қилиб вафот этди. Унга жуда боғланиб қолган Худойберган бобо ҳам кўп ўтмай оғир дардга чалиниб...

Эшитимсизча, чолга (ажаб, киз отамга демади) сен қараб турган эмишсан. Ёстиқлари остидан топилган пул жуда кам...

Оқмарал кизнинг дағдағаларига қўшниллар чидаб туришолмади. Оқмаралнинг ёнини олишди. Охир-оқибат бу можоро яхшиликка олиб келмаслигига кўзи ётиб...

...Чет элда тикилган қирмизи кўйлак жуда чиройли эди, кизнинг хусуси жамолни янада очиб юборди. Киз ўзида йўқ шод, енгил кадамлар билан чолнинг останаидан хатлади...



Соҳилдаги бу мўъжазгина уй икки йўлғиз юрак оҳларига тўла эди. Оқмарал ҳам энди Феридани эмас, ўз севгили ҳақида ўйлар, мана, икки йилдирки, пул топшиқ илжинида хорижда юрган Тошмирза...

Модга ҳам "ибрат"...

Кейинги пайтларда кийиниш маданияти хусусида ОАВда турли фикр-мулоҳазалар айтылди. Телевидение кўрсатувларида, эшиттиришларда мавзуга доир баҳс-мунозаралар, ота-оналар, жамоатчилик вакиллари билан мулоқотлар ташкил этилди...



Албатта, кийимнинг қандай кийиниши ўз ихтиёрида, бунга бирор талаб қўйиш тўғри бўлмас. Эҳтимол, бунга фақат оилада ота-оналар ҳақлидир. Афсуски, кўпчилик ота-оналар бу масалада ўғил-қизларига жуда бепарво қараётганлиги кузатилади...

Миллий либослар ҳам кишининг миллий ўзлигини намоян қиладиган белгилардан бири. Айрим қизларнинг очик-очик, ярим-яланғоч тарзда юришлари жойимкин, дейсиз. Наҳотки шу маданият бўлса ёки бу қандай ахлоқ, дейсиз...

Дейлик, қизларнинг кўча-кўйда, ўқув даргоҳларида, бошқа оммавий жойларда ўта тор шим кийиб юришлари ҳам, бизнингча, ўз қадриятларимизга тўғри келавормайди. Албатта, уй ишлари билан банд бўлганда ёки бошқа шу каби жисмоний меҳнат турлари билан шуғулланганлар қулайлик учун шим кийишлари мумкин. Оқддий қилиб айтганда, шим қизларга эмас, йигитларга мўлжаллаб тикилади...

қадриятларга берилиб кетишининг олдини олиш ота-оналарнинг бурчи, қолверса, мактаб жамоасининг ҳам вазифаси бўлмоғи керак. Бунда, хусусан ота-оналар фарзандларига нисбатан талабчан бўлиши зарур. Уларнинг эса бу борада ортиқча "саҳийлик" қилавериши, "Имконияти бор экан, болам даврини суриб қолсин, хоҳлаганча кийсин" қабилида иш тутуши асло яхшилик аломати бўлмас керак...

Advertisement for 'Qishloq Hayoti' magazine, including contact information for the publisher and subscription details.

Ушунга қарши оладиган чолдан садо чиқмади. Оқмарал ҳайрон бўлиб, тўшақда ётган бобонинг юзига тикилди. Тикилди-ю, кўрқувдан чинқириб юборди.

Худойберган бобонинг жони узилган, унинг ярим юмюк кўзлари, лабларида ним табассум қотиб қолган эди.

Худойберган бобонинг йигирмасы ўтандан сўнг, унинг кизи Гургултга келди. Юз-кўзига ула-элик чаплаган, жуда башанг кийинган бу жувон сира отасидан айрилган одамга ўхшамасди.

Оқмарал кизнинг дағдағаларига қўшниллар чидаб туришолмади. Оқмаралнинг ёнини олишди. Охир-оқибат бу можоро яхшиликка олиб келмаслигига кўзи ётиб, киз ўша кунёғиз изига қайтди.



Равшан - Осиё чемпиони

Сўнгги йилларда юртимиз спортчиларининг халқроқ аренада кўлга киритаятган ютуқлари сони ва салмоғи охиб бормоқда.

Рақиб аниқ бўлди

Осиё Футбол конфедерациясининг Малайзия пойтахти Куала-Лумпурда жойлашган штаб-квартирасида "Пекин - 2008" XXIX Ёзи Олимпиада ўйинлари саралаш баҳслари биринчи босқичига қуръа ташлаш маросими бўлиб ўтди.



Ринг эгаси - Москва

Олдиндан тахмин қилинганидек, Олег Маскаев 23 декабрь кунини ўзининг чемпионлик камарини ҳимоя қилиш учун Питер Оқеллога қарши рингга қўйди.



кур жанг Москвада бўлиб ўтади. Бундан олдин Россияда бирор марта ҳам профессионал бокс чемпионлиги жанги ўтказилмаган. "Весь спорт" агентлигига интервю берган Олег Оқеллони биринчи бўлиб Россияда чемпионлик учун жанг ўтказиш бахтига мушарраф бўлганлиги билан табриклаган.

Сувда чўкмас Хомасуридзе

Тбилислик сузувчи Зураб Хомасуридзе 60 километр масофага сузиш бўйича янги жаҳон рекордини ўрнатди.



дан олдинги рекордни 120 йил аввал Мамеду Бидиа қайд этганди. Хомасуридзе Батумидан соат 19.50 да сувга сўнғиб, кейинги кун соат 13.40 да Поти шаҳридан яна қуруқликка чиқди.

Тошкент вилояти Буха туманидаги 29-ўрта мактаб томонидан 1987 йили Абдувалиев Дониёр Шавқидиновнинг номига берилган № 059696 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги аттестат йўқолишига сабабли бекор қилинади.

ФХ "RIXSIMBOY-K" ликвидировадиган (Ташкент вилояти, Бостанликский район, посёлок Хондойлик). Код ОКПО 17364798. ИНН 202962989. Претензии принимаются в течение 2-х месяцев со дня опубликования объявления по телефону: 133-93-76, по адресу в г.Ташкенте ул.Шахрисабзская, 85.

Тошкент шаҳар ҳокимияти ССББ тибийот билим юрти томонидан 1987 йил 3 мартда Номазова Моҳира Файзуллаевна номига берилган 001948 рақамли диплом йўқолишига сабабли бекор қилинади.

Частное предприятие "Салон Мустанкиллик" (код по ОКПО 15490783) Мирзо Улугбекского образования в ООО "Салон Мустанкиллик". Претензии принимаются в течение 2-х месяцев по адресу: г.Ташкент, ул.Буюк Иппак йўли, д. 162.

Утерьяний гос. ордер № 07-01/9705 от 11.11.1994 г. права собственности Шмидт Галины Вильгельмовны на квартиру, считать недействительным.

"Махалла" газетаси, 13 сентябрь: "Ёмонадирнинг яхши олмавлари" мақоласида андижонлик миришкор фермер Жалил Тошбоев меҳнат фаолияти ҳақида сўз боради.

"По примеру Матбуот саҳифаларида" мақоласида кейинги амалга оширилган қорлик ишлари ҳикоя қилинади.

"Афина - 2004" ўйинлари квалификациядан сўнг рейтингда энг пастки ўринларда турган жамоалар катнашади. Қитъанинг қолган қучли терма жамоалари эса кейинги босқичлардан курашга киришади.

Қашқадарёликлар биринчи

Пойтахтимиздаги "ЖАР" спорт мажмуасида каратэ бўйича Ўзбекистон Кубоги баҳслари бўлиб ўтди. Унда республикамизнинг барча ҳудудларидан келган спортчилар уч кун давомидда голиблик учун кураш олиб боришди.

Катта ёшдагилар беллашувларида эса Дилшод Муродиллаев, Нодир Хўжаев каби спортчиларга тенг келадиган рақиблар топилмади.

"Халқ сўзи" газетаси, 12 сентябрь: "Қишлоқдаги аълочилар мактаби" мақоласида Кува туманидаги 62-иктидорли болалар мактаб-интернатидagi таълим-тарбия борасидаги ихлоқотларга бағишланган.

"Нурлы жон" газетаси, 13 сентябрь: "Қарманын мол болсин" мақоласида Тошкент туманидаги Башир-Бахтиёр фермер ҳўжалиги ҳақида сўз боради.

"Нурлы жон" газетаси, 13 сентябрь: "Ватанпарварлик ўз ўлкасини ўрганишидан башланади" мақоласида Қарши шаҳрининг 27000 йиллигига бағишланган.

"Бир келиб кетинг қишлоғимизга..."

"Махалла" газетаси, 13 сентябрь: "Ёмонадирнинг яхши олмавлари" мақоласида андижонлик миришкор фермер Жалил Тошбоев меҳнат фаолияти ҳақида сўз боради.

Судлар департаментининг Тошкент вилоят ҳудудий бўлими томонидан 2006 йил 25 сентябрь соат 15.00 да кимошди савдоси ўтказилади.

- 1.1973 йилда ишлаб чиқарилган трактор "К-701", носоз ҳолда, бошланғич нархи - 1800000 сўм; 2.1988 йилда ишлаб чиқарилган экскаватор "ЭО-4112", носоз ҳолда, бошланғич нархи - 2200000 сўм; 3.1989 йилда ишлаб чиқарилган экскаватор "ЭО-2621", носоз ҳолда, бошланғич нархи - 2100000 сўм; 4.1991 йилда ишлаб чиқарилган экскаватор "ЭО-652", носоз ҳолда, бошланғич нархи - 1500000 сўм; 5.1991 йилда ишлаб чиқарилган экскаватор "ЭО-3211", носоз ҳолда, бошланғич нархи - 2100000 сўм; 6.1991 йилда ишлаб чиқарилган бульдозер "Д3-171", носоз ҳолда, бошланғич нархи - 2100000 сўм; 7.1987 йилда ишлаб чиқарилган трактор "Т-28х4", носоз ҳолда, бошланғич нархи - 600000 сўм; 8.1986 йилда ишлаб чиқарилган Татра "УДС-114", носоз ҳолда, бошланғич нархи - 2800000 сўм.

Тошкент Давлат аграр университети жамоаси "Бухгалтерия ҳисоби ва аудит" кафедраси доценти Исроилхон АСРОПОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва қариндош-уруғларига чуқур таъзия иқрола этади.

Footer containing contact information for 'Qishloq Hayoti' magazine, including phone numbers, email addresses, and website information.